

## ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — БАРЧА ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.



ласак, бу қонли уруш одамларимиз хотирасида умрбод қолажак. Урушнинг тугаганига 68 йил бўлишига қарамасдан, бундай қирқин, бундай офатни бугун ҳам одамларимиз алам ва изтироб билан эслайди. Шулар ҳақида гапирганда, баъзи бир рақамларни эсга олишни ўринли, деб биламан, деди Президентимиз.

Урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони жангларда бевосита иштирок этган. 500 мингга яқин юртдошларимиз урушда ҳалок бўлганини, қанчаси бедарак кетганини, қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтганини ҳисобга оладиган бўлсак, бизнинг халқимиз фашизм балосига қарши курашга қандай қатъия қарор кўшганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Айни шу кунларда халқимиз уруш даврида бошидан кечирган оғир синовларни яна бир бор хаёлимиздан ўтказар эканмиз, ўтмиш воқеалари, албатта, барчамизни ўйлантиради ва керакли хулосалар чиқаришга даъват этади.

Ҳаётнинг ўзи бир ҳақиқатни такрор ва такрор исботлаб бermoқда. Яъни тарихни билмаган, тарихни унутган, тарихдан хулоса чиқармаган ҳар қандай инсон, ҳар қандай халқ ўз йўлидан адашиши, бир вақтлар йўл қўйган ҳатоларини яна такрорлаши мумкин.

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгариб, ён-атрофимизда қарама-қаршилик, ҳавф-хатарлар кўчаиб бораётган нотинч замонда яшаётганимизни кузатиш ва англаш қийин эмас.

Шулар ҳақида гапирар экан, Президентимиз Афғонистонда ўттиз йилдан кўпроқ давом этаётган уруш ҳозирги кунда бизнинг ҳудудимизда, бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта ҳавф-хатар эканлигини алоҳида таъкидлади.

Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқроқ сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис, деб баҳоламоқда. Содда қилиб айтганда, кўп йиллардан буён давом этаётган бу қонли урушни ҳарбий кўч билан қил қилиш мумкин эмаслиги урушда қатнашаётган томонлар тобора иқдор бўлмоқда, айнан шу ҳолатни кўпчилик тан олмақда.

Бошқача айтганда, бу инқирозни барқарор этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб, қандай қилиб бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокара орқали ўзаро келишувга олиб келишидир. Ва шу аснода вақтинчалик ҳукумат тузиши, сайловлар ўтказиши, Афғонистон олдида турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўтишдир. Худди шундай йўл билан бу инқирозни ечиш мумкин эди.

Минг афсуски, бугунги кунда Афғонистоннинг ўзида ва унинг ташқирисидида кучлар ўз манфаатларини кўзлаб, бу можарони сиёсий асосда ечишга қарши чиқмоқда. Мана шундай ўта оғир ва таҳли-



кали бир вазиятда Афғонистонда жойлашган, асосан, АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ деб ном олган ҳарбий кучларини яқинда Афғонистон ҳудудидан чиқариш жараёнининг бошланиши кутилмоқда. Бу Афғонистонда янги қарама-қаршиликнинг авж олишига, турли миллат ва элатлар ўртасидаги зиддият ва тортишувларни янада кучайтиришга олиб келиши мумкин.

Ўз-ўзидан аёнки, бундай ҳолат Афғонистон атрофидаги мамлакатлар ҳудудидан ҳам кескинлик ва катта муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистоннинг Афғонистон давлатига нисбатан олиб бораётган сиёсати аниқ ва очик, деди мамлакатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий бирлашмаларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаш ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади.

Бундай ёндашув, бундай позиция бизнинг мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар билан муҳрлаб қўйилган.

Айни шундай сиёсатни олиб бориши:

- кимнингдир “ўйин”ларига қўшилмаслик;
- қўшниларимиз билан тинч-осойишта яшаш;
- эл-юртимизнинг тинчлиги ва манфаатларини ҳимоялаш;
- яқин тарихимизнинг сабоқлари ва бошимиздан кечираётган ўта мураккаб замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Президентимиз бундай сиёсат ва мақсадларни ҳаётга татбиқ этишда барчамизга куч-қувват бағишлайдиган оғил ва мезонлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Авалло, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи — юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фу-

қароларо тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаётганимизда.

Албатта, тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун барчамиз шу мусофиро осмонни сақлаш, асраш учун курашишимиз, фидойилик кўрсатишимиз даркор.

Иккинчидан, ҳар қандай кескинлик, қарама-қаршилик ва офат келишини узокдан англаб, уларнинг олдини олишга доимо ҳаракат қилишимиз керак. Бунинг учун ҳамisha сезгир, оғоҳ ва уйғоқ бўлишимиз, бепарволикка, беғамликка йўл қўймаслигимиз зарур.

Учинчидан, кундалик ҳаётимиздан сабоқ чиқариб, эртанги кунимизнинг, келажагимизнинг мустақам пойдеворини бугун яратиш, бу Ватан меники, уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, ҳимоялаш учун мен курашсаман, ким курашади, деган даъват билан яшаш барчамизнинг, авваламбор, ёшларимизнинг — менинг фарзандларимнинг бурчига айланишини истардим, деди давлатимиз раҳбари.

Бугун эл-юртимиз ўз тарихида бошидан кечирган мисли қўрилмаган синов ва суронли кунларни яна ва яна бир бор ўзимизга тасаввур қилар эканмиз, ишончимиз комил — Ўзбекистонимиз ўз озодлиги, ўз қадр-қиммати учун ҳамisha мардлик ва матонат кўрсатиб келган, ҳеч кимга бўш эгмаган ва ҳеч қачон бош эгмайд.

Менинг истагим: ана шу гўзал ва бетакрор юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон бахтли бўлсин, ҳар қайси оилага тинчлик-хотиржамлик, файзу барака доим ёр бўлсин, деди пировардида Ислам Каримов.

Шу кун Мотамсаро она хайкали пойи анвоий гулларга бурканди. Юрт озодлиги ва раванки учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

(ЎзА).

Сурвэр УРМОҲОВ олган суратлар.

Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган нурунийларни эъзозлаш халқимизга хос эзгу фазилатлардандир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 25 апрелда қабул қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига, оловли жангдошлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган момоларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур Фармонга мувофиқ, барча шахар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ноғиронларига пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди.

Бугун орамизда бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳолидан хабар олиш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш — жамоатчиликимизнинг доимий эътиборида.

Илгари, совет тузуми даврида 9 май, асосан, Ғалаба байрами сифатида бугун СССР ҳудудидан катта даб-даба билан нишонланарди. Қизил майдонларда ҳарбий парадлар ўтказилар, пионер ва комсомоллар, ишчи ва деҳқон синфи вакиллари саф тортиб ўтарди, минбарда эса шўро дохийлари турар эди. Афсуски, бундай манзарани бугун ҳам сабоқ совет ҳудудидидаги айрим мамлакатларда кўриш, кузатиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан 15 йил олдин мамлакатимизда бу санага Хотира ва қадрлаш куни деб ном берилганидан кейин унинг маъно-мазмунни тубдан ўзгарди. Пойтахтимизда, барча вилоят ва туман марказларида аввалги “Номаълум солдат” деб ном олган, қандайдир мавҳум гоёни ифода этадиган ёдгорлик ўрнига Мотамсаро она хайкали ўрнатилди. Бу, биринчи навбатда, мазкур сананинг асл инсоний моҳиятини яққол очиб беради.

Эндиликда 9 май куни мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида қўрбон бўлган миллионлаб одамлар хотираси олдида бош эгиб таъзим қиладиган, бугун ҳаёт бўлган уруш қатнашчиларига юксак ҳурмат-эҳтиром бажо келтириладиган, эзгу мазмунга эга маросим тусини олди.

Ўтганларни ёдга олиш, хотирлаш, уларнинг охирати обод бўлишини тилаш айнан Мотамсаро она сиймоси орқали намоеён бўлмоқда. Чексиз қайғуга чўмган Онаизор тимсолида жигарбандининг тирик эканига, унинг эсон-омон ўз бағрига қайтишига умид қилиб ўтган минг-миглаб оналарнинг тақдирини, уларнинг соғинч ва изтироб туйғуларини акс эттириб, Хотира майдонидан миллий услубда бунёд этилган пешайвонлардаги лавҳаларда ўша мудҳиш урушда ҳалок бўлган барча юртдошларимизнинг номи зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Бу уларнинг жасорати ва матонатига тан бериш, уруш фожиаларидан сабоқ чиқаришга қаратилгандир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон хотираси муқаддас, унинг қадр-қиммати азиз ва мўътабар эканини ифода этади.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, сенаторлар ва депутатлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди. Майдон узра маҳзун мусика таянлади.

Соат 09:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбар қўйди. Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун халқимиз Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 68 йиллигини, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонламоқда, — деди Ислам Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. — Айни шу кунларда барча-барча юртдошларимиз ўз инсоний бурчинини бажо этиб, Ватанимиз озодлиги, мусаффо осмонини учун жон бериб, қўрбон бўлганларнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилади.

Бугун орамизда бўлган, бизга маънавий ибрат бўлиб юрган барча уруш қатнашчиларини ана шу буюк сана билан чин қатдан таъриқлашни ўзим учун катта шараф деб биламан, деди Юртбошимиз. Шулар қаторида фронт ортида хизмат қилиб, ўта оғир шароитда ғалаба қозонишга катта ҳисса қўшган юртдошларимизга, барча-барча фахрийларимизга сиҳат-саломатлик, узок умр тилаб қолам.

Бугун шу улуг айёмни нишонлар эканмиз, бу ғалабанинг кўпчилик қаторида бизнинг халқимиз учун ҳам нақадар қимматга тушганини, халқимиз бу мудҳиш урушда қанча қўрбонлар, қанча йўқотишлар берганини, қанча етим-есирлар мислсиз азоб-уқубатларни кўрганини ёдга олсак, айтиш мумкинки, эл-юртимизнинг тақдирини, унинг келажаги ҳал бўлган ўша даврларни эс-

чамбарлар қўйилди. Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи амфитеатридаги концерт дастури ҳам таъбир иштирақчилари кўнглига хушнудлиқ улашди. Байрам дастурхони устидаги гурунгда эса вилоят нурунийлари бугунги тинч-осойишта ҳамда фаровон ҳаётимизга шукроналар айтишди.

— Вилоятимиздаги 323 нафар уруш қатнашчи сафидан мен ҳам Юртбошимиз Фармони асосида ажратилган

пул мукофотларини олдим, — дейди Андижон шаҳрида истикомат қилувчи уруш фахрийси Баҳодиржон ота Маъдиев. — Ҳокимлигимиз, ҳомий ташкилотлар, маҳалла фаоллари ҳам совға-саломлар билан йўқлашди. Очиғи, бундай эъзоз-эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Кексаларини қадрлаган эл-юрт ҳеч қачон кам бўлмайди. Президентимиз бош бўлган бундай эзгу тадбирлар, хайрли ташаббуслар ёшлар учун катта ибратдир.

(Давоми 2-бетда).



## Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим шарт

Яқинда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўйиб берилди. Шу муносабат билан сиёсий партиялар фракциялари йиғилишида мазкур ҳуқуқий ҳужжатда белгилаб берилган астувор вазифалар муҳофизат этилмоқда.

### ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Жумладан, ушбу масала куни кеча Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракция-

лари йиғилишларида кўриб чиқилиб, сайловолди дастури ҳамда платформаси асосида фикрлар билдирилди. Мухбиримиз уларнинг мулоҳазалари билан қизиқди.

(Давоми 2-бетда).



## Саодатли кунлар сурури

Ҳаётда эзгу ишлар кўп. Бировга бир оғиз ширин сўз айтишдан тортиб, халқ учун жонни фидо этишгача бўлган барча амаллар хайрлидир. Тарихий хотира билан яшаш, кексаларни қадрлаш эса асл миллий қадриятларимиздан бири сифатида эътироф этилади. Шу боис Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар йили мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланади. Бу санада ўтганлар ёдга олиниб, кекса авлод вакилларига меҳр-мурувват кўрсатилади. Уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар, мукофотлар улашилади.

### БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ

Ана шу эзгу аъёнлар куни кеча мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтган тадбирларда яна бир бор яққол намоеён бўлди. Хусусан, 9 май куни

АНДИЖОН вилоятидаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерга йиғилган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари

ҳамда ёшлар нуруний отахону онахонларни байрам билан муборакбод этдилар. Ўтганлар ҳотираси ёдга олинди. Шундан сўнг Мотамсаро она хайкали пойига гул-



# «Уйимизга бахт манзил қурган»

Мамлакатимизда умргузаронлик қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, нуроний отахон ва онахонларимизни ҳар қанча эъзозласак, шунча кам. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, биз ана шу юртдошларимиз олдига умрбод қарздоримиз. Бу фидойий инсонларни янада кўпроқ қадрлашимиз, уларга нафақат байрам кунларида, балки ҳар кунни, ҳар соатда ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз зарур. Уларнинг умрини қўлимиздан келганча, баҳоли қудрат мазмунли қилишга, бунинг учун барча шарт-шароитни яратиб беришга ҳаракат қилишимиз керак.

## ҚУВОНЧ

Бугун ана шу даъватдан ибрат олиб хайрли ишларга қўл ураётган, кекса авлод вакилларида меҳр-муруват кўрсатишдек савобли амалларни кундалик юмушга айлантирган юртдошларимиз сафи тобора кенгайиб бораёпти.

Истиқлол, энг аввало, инсон кадрини сарбаланд этди. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш эзгу анъанага айланган. Айниқса, кекса авлод вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийларининг саломатлиги,

ижтимоий муҳофазасини таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралди. Таассуфки, айни дамда орамизда Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган, шу машаққатли даврда яшган авлоддан санокли инсонларгина ҳаёт.

Жиззах шаҳрининг Ўратепалик маҳалласида 4 нафар фарзанди, 26 невава ва ўнлаб чеваралари ардоғида кексалик гаштини сураётган Муса ота Йўлдошев — шулардан бири. Отахон бугун тўқсон уч ёшда.



Шоҳруҳ ШАРАПОВ олон сурат.

Руҳи тетик, қалби завқу шавққа тула. Гурунгиға қулоқ тутсангиз, одамларга яхшилик қилиш, эз-гуликка интилиб яшаш лозимлигини сўз очади. Ёшларни, набираларини шукроналикка даъват этади.

— Урушнинг оти ўчсин, —

дейди Муса ота. — Аслида у кунларни эслашнинг ўзи оғир. Чунки дилинг оғрийди. Хайриятки, истиқлолни кўрдик — орзуимиз ушалди, армонимиз кетди. Биз, кексалар ҳурмат-иззат, меҳр-муруватдан ҳар кун баҳрамандимиз. Туриш-турмуши-

миз, оиламиз аҳволи, саломатлигимиз ҳақида қайғуриш, бизга елкадош бўлиб, оғиримизни енгил қилишга ҳамма "лаббай" деб турибди. Дориламон замонамиз, жонахон Ватанимизнинг бугуни шу қадр нурафшонки, худди бахт манзил қургандай. Набираларимга бу ҳақда гапириб чармайман. Ахир улар келажакимиз эгалари. Шу боис истиқлол неъматини чуқур тушунишлар, юракдан ўтказинлар, дейман. Гапнинг очиги, эъзоз қурган инсон қаримас экан. Яқинда телевизор орқали Президентимизнинг биз, уруш фахрийларини муқофотлаш тўғрисидаги Фармони эшитиб, жуда қувондим. Шунда дилимдан бир гап ўтди — Ўзбекистонимиздек инсон кадрини юксак юртда яшаш саодати Яратганининг бизга инъоми, саховатидир. Бу эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Улугбек АДИЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

Шу йилнинг февраль ойида саккиз нафар жиноятчи полиция кийимиди Брюссель аэропортининг кўриқланадиган ҳудудига кириб, «Swiss» авиакомпаниясига қарашли самолётга эндигина юкланган олмастарни ўмариб кетган эди.

## Гумондорлар қўлга олинди

Мақзур воқеа юзасидан Европанинг учта давлати — Бельгия, Франция ҳамда Швейцарияда ўтказилган кенг қамровли операция чоғида 30 нафардан ортиқ гумондор шахс қўлга олинди.

«Рейд вақтида йўқолган қимматбаҳо тошларнинг бир қисми Швейцариядан топилди, — дейди Брюссель прокуратураси вакили. — Бельгияда эса йирик микдорда



нақд пуллар қўлга киритилди. Тергов давом этаёпти».

Ўғирланган олмастар қарийб 38 миллион еврога тенг, дея баҳоланган.

## Фаолияти яхшиланмоқда

«Toyota» автоконцерни учун 2013 йилнинг дастлабки уч ойи иқтисодий жиҳатдан анча самарали кечди.

Гап шундаки, ушбу даврда концерн қурган соф фойда ҳажми икки ярим баравардан кўпроққа ортиб, 2,4 миллиард еврога ташкил қилган.



Маълумки, Япония ҳукумати ўтган йил охиридан бошлаб, иена қиймати пасайиб кетишининг олдиди олишга эътибор қаратмоқда. Бундай сиёсат махсулотларнинг 44 фоизини айнан Кунчикар юртининг ўзида ишлаб чиқарадиган «Toyota» га кўрсаткичларни яхшилашда жуда катта туртки бўлди.

## Халқаро ташкилот ҳулосаси

Халқаро меҳнат ташкилоти дунё миқёсида ёшлар бандлигига оид таҳлилларини эълон қилди.

Унда айтилишича, ҳалиханузу давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз глобал меҳнат бозоридидаги вазиятни тора мураккаблаштирмоқда. Ушбу ҳолат, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод тақдирига кўпроқ салбий таъсир кўрсатапти. Мазмун, жорий йилда жаҳон бўйича меҳнатга лаёқатли аҳолига нисбатан ишсизлик даражаси 8,7 фоизни ташкил қилса, мазкур кўрсаткич ёшлар орасида 12,6 фоизга етиши кутуляпти. Яъни бу 73,4 миллион йигит-қиз ишсиз мақомига эга бўлади, дегандир. Муаммо сабаблари ҳамма жойда турлича



изоҳланади. Хусусан, ривожланаётган давлатларда талабгор етарли билим ва кўникамага эга бўлмагани учун ишга жойлаша олмаса, ривожланган давлатларда, аксинча, малакали кадрлар бор, аммо бўш иш ўрни йўқ.

Ташкилот «Катта йигирмалик», энг аввало, мана шу масала ечимини ҳақида бош қотириши кераклигини билдирмоқда.

## Шовқинга қарши технология

Мунтазам шовқин-суронли жойда ишлаш инсон руҳий ҳолатига кучли салбий таъсир кўрсатиши билан бирга, меҳнат унумдорлигининг пасайишига ҳам олиб келади.

Бу борада тадқиқот ўтказган исроиллик мутахассислар муаммони бартарф этишга хизмат қилувчи технология яратишди. «Сайлентум» компанияси томонидан тақлиф этилаётган қурилма шовқинни 10 децибелга пасайтириш имконини беради. Ундан кучли овоз чиқарувчи ускуналарга эга корхоналарда, йирик ҳаво алмаштириш тизими мавжуд рестороанлар ошхонасида ёки шу каби бошқа объектларда фойдаланиш мумкин. Қолаверса, мазкур технология аэропорт яқинида истиқомат қилувчиларнинг ҳам жонига оро қиради.



## «Юлдуз»ларни кашф қилган мураббий

Англининг «Манчестер Юнайтед» футбол клубида 27 йил бош мураббий сифатида фаолият юритган Алекс Фергюсоннинг лавозимидан кетишга қарор қилгани ҳақидаги хабар дунё оммавий ахборот воситаларининг асосий мавзуларидан бирига айланди.

Сабаби, ушбу мутахассис Рой Кин, Дэвид Бекхэм, Криштиану Рональду, Уэйн Руни каби футбол «юлдуз»ларини кашф қилгани, мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда кўплаб совринларни қўлга киритгани, умуман, миллионлар ўйини ривожига катта ҳисса қўшгани билан ҳурмат-эътибор қозонган. Жумладан, у мураббийлик

даврида 13 марта Англия чемпионати, беш бор мамлакат кубоги ҳамда икки марта Европа чемпионлар лигасида ғолиб чиққан.

Фергюсоннинг ўрнини Дэвид Мойес («Эвертон»), Жозе Моуриньо («Реал»), Мануэль Пеллегрини («Малага»), Рой Кин, Эрик Кантона ёки Лоран Блан эгаллаши тахмин қилинаёпти.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

## ЭЪЗОЗ

Инсон кадрини унга кўрсатилган иззат-икром, ҳурмат-эътибор билан сарбаланд. Тинч ва хотиржам юртдаги оқсоғиша ҳаёт, инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган эзгу амаллар билан у янада теран мазмун касб этади. Зеро, овоз ва обод Ватанимизнинг равнақи, саодатли турмушимиз замирида азизу муқаррам бўлган ҳар бир юртдошимизнинг фидойий меҳнати мужассам ва у чинакам эъзозга лойиқдир.

## Меҳр ила диллар чароғон

Наманганлик Самсоқжон ота Низомов уруш ва меҳнат фахрийси. У киши бу йил азиз умрининг саксон тўққизинчи баҳорини қарши олган бўлса-да, тетик ва бардам. Давраларнинг файзи, суҳбатларнинг гули бўлган отахон ёшлар билан учрашувлар чоғида бугунги дориламон кунларнинг қадрига етиш зарурлигини такрор-такрор уқтиради. Шаҳардаги «Ифтихор кийим саннат» масъулияти чекланган жамияти меҳнат жамоаси яқинда табаррук қарияни корхонага тақлиф қилди. Бу ердаги илгор технологик воситалар, ёшлар учун яратилган шарт-шароит, улар томонидан тайёрланаётган бири-бирдан чиройли либосларни кўриб, отахоннинг дили яйраб кетди.

— Ўзбекистондек осмон мусаффо, одамлари оқибатли юртда яшашнинг ўзи катта бахт, — дея дил сўзларини изҳор қилди у киши. — Бугун сизларнинг чақноқ кўзларингиз, ғайрат-шижоатингизга қараб туриб, минг машаққатлар билан кечган ёшлигим ёдимга

тушди. Айни навқирон йигит чоғида қўлимга қурол олиб, жангоҳларни кездим, урушдан қайтгач ҳам ҳаётнинг қатор синовларини бошдан ўтказдим. Гапнинг рости, бундай осуда кунлар, унинг мустақкам пойдевори бўлган Истиқлол бизнинг авлод учун қўлетмас оруз эди. Бугун ўтаётган ҳар бир кунимизнинг қадрига етиш барчамиз учун фарз бўлмоғи лозим.

Дарҳақиқат, Самсоқжон ота сингари кўпни қурган, тўқис замонда, невава-чеваралари курсовида умргузаронлик қилаётган табаррук кексаларимиз доимо ардоқда. Уларнинг ҳаёти барчага ибрат, ёшларга қарата айтадиган гаплари эса бисёр. Жангоҳларда кечган ёшлик ҳақидаги ўчмас таассуротлари навқирон авлоднинг инсон матонати, оталар жасоратига сadoқат, Ватанга муҳаббат, тинчлик қилди аталмиш муқаддас неъматнинг қадрига етиш сабоқларидан баҳраманд этади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Буюртмачилар мамнун

Яккабоғ туманидаги «Қашқадарё улгуржи савдо таъминот» корхонасида замонавий эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқарилмоқда.

## ИНТИЛИШ

Тадбиркор Сирож Аҳмедовнинг сая-ҳаракати билан ташкил этилган мазкур цехда буюртмачилар тақлифидан келиб чиққан ҳолда махсулот тайёрланмоқда. Шу билан бирга, мижоз хоҳишига қараб, янги бино ва тураржойларга эшик ҳамда дераза ромлари ўрнатиб ҳам берилади.

Таъкидлаш керакки, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми 667,7 миллиард сўмни ташкил этди.

Аҳод МУҲАММАДИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ● Реклама ва эълонлар ●

«OGU»да УЧРАШИШ нефть-газ тармоғи профессионаллари учун қоидага айланган!

# Нефть ва газ

17-халқаро кўргазмаси

14-16 май

Ўзбекистон, Тошкент «ЎзэкспоМарказ» МКК

www.oguzbekistan.com  
www.oilgas.uz

facebook.com/ITEUzbekistan.uz

ITE Uzbekistan  
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳўқаси, 59-«А» уй.  
Тел.: (+998 71) 113-01-80. Факс: (+998 71) 237-22-72.  
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, Web: www.ite-uzbekistan.uz

POLIMER GROUP «Polimer Group Asia» МЧЖ

совуқ сув ва газ учун Ø 63-800 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ҳамда фитинглар, ПВХдан тайёрланган, бурғилашдан кейин қўйиладиган «вертикал ер ости» қувурлари ишлаб чиқаради.

Шунингдек, Европанинг «Pitmo» фирмасининг полиэтилен қувурларини, Ø 63-1200 диаметр гача бўлган пайвандлаш ускуналарини тақлиф этади.

Кичик ҳажмларда «SG-5» ёки «K-67»га тенг бўлган ПВХ хом ашёсини миллий валютада харид қилади.

ШИОРИМИЗ — СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ МИЖОЗ УЧУН.

Тел.: (+99898) 305-70-06, (+99890) 321-95-25, (+99871) 269-02-03.  
Факс: (+99871) 262-05-07. E-mail: info@pga-uz

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

Ўзида ишлаб чиқарилган махсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚҚ сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустақамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 9 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан. 2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

ООО «SHANXAY PLAST GROUP»

ПРОИЗВОДИТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ ДИАМЕТРОМ ОТ 16 ДО 800 ММ ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ И КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРЫ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.

Гарантия — 5 лет! Срок службы — более 50 лет!

ТАКЖЕ ПРОИЗВОДИМ МОНТАЖ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ.

ГОСТ 18599-2001, ИСО-9001-2008. Товар сертифицирован.

г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский р-н, ул. Зейлилар, 4-г. Тел.: (+998 93) 547-49-75, (+998 91) 195-22-15. Факс (+998 71) 269-02-03. E-mail: sedou2006@yandex.ru www.pipilene.uz

Чотқил дарёси бўйида жойлашган «Конструктор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи аҳолидан талабномалар қабул қилади.

Соғломлаштириш мавсуми ҳар бир 15 кундан иборат 4 сменадан ташкил топган.

Мавсумнинг бошланиши — 2013 йил 14 июнь.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ғалаба кўчаси, 1-уй. Телефон: (8-371) 248-15-01. Факс: (8-371) 248-10-03.

«Халқ сўзи»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@qs.uz

# «Ўзбек халқининг миллий анъаналарга садоқати ва юксак эҳтироми таҳсинга сазовор»



Улуғ аждодларимиздан мерос бебаҳо миллий қадриятлар ҳар биримизга фахру ифтихор, гуруҳ ҳиссини бахш этиши, шубҳасиз.

Зеро, бу яқинда Навоий вилоятининг қадимий манзили — Сармишсой дарасида бўлиб ўтган «Асрлар садоси» олтинчи анъанавий маданият фестивалида яна бир бор яққол намоён бўлди. Нуфузли ижодий анжуманда иштирок этган хоржилик меҳмонлар, санъат ва маданият намояндлари мафтункор Ўзбекистонимизнинг бетакрор табиати, халқимизнинг буюк маънавий мероси намуналари, уста-хунармандлар яратган нодир санъат асарлари билан яқиндан танишиб, ҳайратга лиммо-лим дил сўзларини изхор этишди.

## Давид Схиммельпэнник Ван дер Ойе, тарихчи олим:

— Авваллари Бухоро ва Самарқанд шаҳридаги қадимий обидаларни фақат суратлардагина кўрган, уларни зиёрат қилишни кўпдан буён орзу қилиб юрардим. Шу боис ҳам фестивалга таклиф этилганимда бошим осмонга етгудек қувондим. Негаки, ўтган йили анъанавий маданият фестивалига келганимда қисқа муддат Тошкентда бўлганман, холос. Бу гал эса фестиваль бахона юртингиз, унинг кўна маданияти ва санъати билан яқиндан танишиш бахтига муяссар бўлдим. Ўзбек халқининг тарихан қисқа фурсатда эришган оламшумул ютуқлари, миллий анъаналарга садоқати ва эҳтироми таҳсинга сазовор эканлигини алоҳида эътироф этишни истардим.

## Билл БОРА, малайзиялик сайёҳ:

— Ўзбекистондай афсонавий мамлакатга бу йил иккин-

чи бор келишим. Ёрқин лойиҳаларга бой «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивалида эса илк мартаба иштирок этаёпман. Кўриб гувоҳи бўлдимки, мазкур нуфузли тадбир миллий ўзликни англаш, турли миллат ва халқларнинг дўстлигини мустаҳкамлашда бекиёс аҳамиятга эга. Халқининг ажойиб санъати, хунармандчилик намуналари ва, айниқса, миллий таомларингиз жуда ҳам манзур бўлди. Улоқ-кўлқаридаги тулпорлар дупури эса юрагимга битмас-туганмас завқ, шижоат бағишлади.

## Жеймс ЛИС, «CHRISTIE'S» аукцион уйи вакили (Буюк Британия):

— Мусиқа, рақс, амалий санъат, миллий спорт, пандалик... Буларнинг бари ижод аҳлини бир ерга жамлаган «Асрлар садоси» фестивалига ёрқинлик, жўшқинлик бахш этиб турибди. Бугун миллий ўйинларингиз, айниқса, кураш



кўпчилигининг сеvimли спорт турига айланди. Умуман, фестивалнинг ҳар бир лойиҳасида шарқона маданият ва замонавийлик уйғунлигини кўриш, ундан бир олам маънавий озуқа олиш мумкин. Ишончим комил, «Асрлар садоси» фестивали тез орада жаҳонга машхур халқаро ижодий анжуман мақомини олади.

## Александр РИСТИЧ, Австрия давлат босмахонаси лойиҳалари раҳбари:

— Ўзбекистонга келишим биланок маданият масканларига ошиқдим. Хусусан, Тошкентдаги Тасвирий санъат галереясида бўлиб,

шу ерлик мусаввирларнинг асл асарлари билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдим. Юртингизда ноёб истеъдодли ёшлар кўпчиликини ташкил этар экан, бу эътирофга арзигулик ҳол. Фестивалда қатнашган хунармандлар, дизайнерлар, миллий спорт усталарининг маҳоратини кўриб эса ҳайратланмаслик мумкин эмас. Улар ўзбекистонликларнинг чин маънода санъатга шинаванда халқ эканлигидан далолат бериб турибди.

## Изабель РЕБОЛ, Франциялик меҳмон:

— Фестиваль шу юртда яшовчи кўп миллатли халқ-

нинг руҳиятини ўзига сингирган тантанавор тадбир сифатида бизга манзур бўлди. Бу ердаги кўрғазмалар, сайилгоҳлар, миллий мусобақалар майдончаларида бўлган киши, ростки, хузур қилади. Фольклор санъатинингиз, Сурхондарё, Бухоро, Фарғона каби ҳудудларнинг ўлан ва лапарлари, достонлари, дўмбира, дутор, доира каби миллий чолғу асбобларида моҳирлик билан ижро этилган куй-қўшиқлар дилимизга хушнудлик улашди.

«Халқ сўзи» мухбири Азамат ЗАРИПОВ ёзиб олди. Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Спорт • Sport • Спорт

Наманган шаҳрида сув спортининг слаломда сузиш тури бўйича Ўзбекистон кубогининг биринчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди. Унда юзга яқин спортчи иштирок этди.

## Кубок учун қизғин баҳслар

Кайиқда кучли сув оқимиға қарши сузиб, белгиланган тўсиқлардан ўтиш муайян тажриба ва маҳорат талаб қилади. Мусобақа иштирокчилари ушбу вазифани тез ва беҳато удалаш учун бор маҳоратларини ишга солдилар. Олий ўқув юртига имтиёзли асосда кириш учун йўлланма берувчи беллашувнинг мазкур босқичида етти тоифа бўйича голиблар аниқланди. Жумладан, слаломда яқка сузиш бўйича тошкентлик Валерий Хавансев, қайиқда сузишда унинг ҳамшаҳри Юрий Мягкий барча рақибларини орта қолдирди. Каноздаги баҳсларда эса омад наманганлик Наил Каиповга кулиб боқди. Жуфтлик беллашувларида мусобақа мезбонларининг кўли баланд келиб, Азизбек Эргашев ва Алишер Бадалов устунликка эришди. Қизлар ўртасидаги мусобақаларда Фарғона вилояти вакиллари голиб чиқди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Оғир атлетикачилар куч синашди

Чирчиқ олимпия захиралари коллежида оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган юздан зиёд спортчи куч синашди.



Эркаклар ўртасида 105 килограмм вазн тоифасидаги баҳслар, айниқса, қизгин кечди. Унда андижонлик Руслан Нуриддиновга тенг келадиган рақиб топилмади. Жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори бўлган ушбу спортчи штангани даст ва силтаб кўтариш бўйича умумий ҳисобда 410 килограмм натижа қайд этиб, мусобақа голибига айланди.

Шунингдек, хоразмлик Шерзод Рўзमतов, Александр Хван, Мадийр Иброҳимов, Жаҳонгир Зиннатов ҳамда мезбон вилоят вакиллари — Улуғбек Алимов ва Руслан Макаров ҳам ўз вазн тоифасида чемпионликка эришди. Хотин-қизлар баҳсида Навоий, Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари умумий ҳисобда энг кўп очко жамғаришди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Бебаҳо неъмат қадрлари

Ўшанда 18 ёшда эдим. Кечагидай ёдимда, биз урушга кетган 1943 йилнинг киши жуда қаттиқ келди. Поезд жўнаши олдида вокзал одамлар билан тўлиб кетган, ҳамма яқинларини кузатапти. У кунларни эслаш нақадар азоб бўлса, шу қадар савоб ҳам. Негаки, бу урушда минглаб юртдошларимиз Ватандан, яқинларидан ажралди, ёт элларда нобуд бўлди. Мен ҳарбий авиацияда хизмат қилиб, 1945 йилда оғир яралангач, узоқ даволашнимга тўғри келди. Ногирон аҳволда Тошкентга қайтдим.

## ДИЛ СЎЗИ

Бугун ўша машъум кунлар ҳақида ўйларканман, тинчликнинг нақадар буюк неъмат эканлигини дилдан ҳис этаман. Осу-далиқда ҳар тонгни қарши олиш қаёқдаю хавотиру таҳликалар исканжасида кун ўтказиш қаёқда? Урушдан қайтгач, институтда ўқидим, оила кўрдим. Уч фарзандли бўлдим. Турли соҳаларда меҳнат қилдим. Бугун салкам тўксон ёшдаман. Шукрки, рафиқам билан фарзандлар, набиралар қуршовида ушбу фаровон кунларга етиб келдик.

Инсон ёшлигида, куч-қувватга тўлган пайтида ҳар қандай қийинчиликларни енгишга қодир бўлади. Кексаянда эса атрофдагилар эътибори яқинларининг меҳрига суяниб қолар экан. Шу маънода, бугун биз, уруш ва меҳнат фахрийлари, кексалар Президентимизнинг бизга кўрсатаётган эътибору ҳурматидан гоят мамнунмиз. Негаки, юртимиздаги ҳар бир байрам боз, кексаларнинг хонадонидан бошланади. Жумладан, ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан уруш фахрийлари моддий ва маънавий рағбатлантирилиши, берилётган имтиёзлар, юртимизнинг муқаддас

қадамжолари бўйлаб уюштирилётган саёҳатлар, буларнинг барчаси шундай эъзоз ва эҳтиром ифодасидир. Шу кунларда маҳаллалар, ўқув юртларида ёшлар билан учрашувларга таклиф қилинаёпти. Бу суҳбатларда мустақилликнинг, осуда ҳаётнинг буюк неъмат эканлиги, уни қадрлаш лозимлиги ҳақида гапирамиз. Ахир истиқлол шарофати билан юртимиз дунё билан бўйлашадиган бўлди. Нафақат Тошкентда, балки вилоятларда ҳам қад ростиётган иморатлар, ўзгаришлардан кўзимиз кувнади, дил яйрайди. Ана шу бунёдкорлик, ободликдан чексиз фахрланамиз.

Пойтахтимизда бунёд этилган Хотира майдониға тез-тез бориб тураман. У ерда муҳдиш урушда ҳалок бўлган дўстларимни хотирлайман. Замонамизга, дориламон кунларга шукроналар айтаман. Ҳамиша юртимиз тинч, Юртбошимиз омон бўлсин. Зеро, осойишта юртдан бахт ва фаровонлик аримайди.

Фатхулла НАРЗУЛЛАЕВ, уруш ва меҳнат фахрийси.

## КЎРГАЗМА

Тошкент Фотосуратлар уйида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган бадиий кўрғазма очилди. Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилган тадбирга ёши улуғ ижодкорлар, мусаввирлар, уста ва хунармандлар, меҳнат фахрийлари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

## СУРАТЛАРГА КЎЧГАН ХОТИРА

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари Ж. Миртожиев ва бошқалар Президентимиз Ислол Каримов раҳнамолигида нурунийларга иззат-эҳтиром кўрсатиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувват-

лашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. — Иккинчи жаҳон уруши бошланганида саккиз яшарли бола эдим, — дейди ёғоч ўймакорлиги устаси, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Ортиқ Файзуллаев. —

Ўша мураккаб даврнинг оғир кунлари, машаққати хотирадан асло ўчмайди. Буларнинг барчаси бугунги тинч ва осойишта, тўқин, фаровон, бахтли кунларимизнинг қадрига етишга ундайди. Кўрғазмада бугунги сао-

датли кунларимиз, уруш ва меҳнат фахрийлиги бўлган мўйқалам соҳиблари, уста-хунармандлар сиймоси эски эттирилган картиналар, фотосуратлар намойиш этилмоқда. Назолат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.



«Туркистон» саройида Навоий конметаллургия комбинати «Фарход» маданият саройи ижодий жамоасининг хайрия концерти бўлиб ўтди.

## ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислол Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутадиган миллий санъатимизни ривожлантиришга қатта эътибор қаратилмоқда. Ёшларни бадиий ижодига оммавий жалб қилиш, уларнинг маданий дам олишини ташкил этишга кўмаклашаётган маданият муассасалари бу борадаги ишларга салмоқли ҳисса қўшаяпти. «Фарход» маданият саройи Навоий конметаллургия комбинати тасарруфидаги бой тарихга эга муассасалардан биридир. Унинг 75 ижодий жамоасида турли ёшдаги 1500 нафардан ортиқ киши шугулланмоқда. Маданият саройининг «Ширин», «Марварид», «Бахтли болалик», «Соната» каби хореография ансамбллари томошабинларга яши таниш бўлиб, улар умумхалқ байрамлари ва бошқа йирик маданий тадбирлар муносабати билан ўтказиладиган театрлаш-

тирилган томошаларда доимо қатнашади. — Пойтахтимиздаги шундай ажойиб сарой сахнасида ўз санъатимизни намойиш этаётганимиздан фахрланамиз, — дейди «Тарона» ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг дуторчиси Феруза Норқулова. — Болалигимдан «Фарход» саройига қатнашман, у мен учун иккинчи уйим бўлиб қолган. Бу ерда дутор чалишни ўргандим ва ҳар доим тингловчиларга миллий мусиқа ҳамда маданиятимизга бўлган чексиз муҳаббатимни етказишга ҳаракат қиламан. Концертга пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ихтисослаштирилган маданият ва санъат ўқув муассасаларининг ўқувчи ва талабалари, кам таъминланган оилалар фарзандлари таклиф этилди.

Роман БОНДАРЧУК, ЎЗА мухбири. Альо АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

## Реклама

**Автомобили VAZ**

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

**VAZ Patriot (comfort) — пикап**

Полноприводный (4x4)

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:  
Тел./факс: (8-371) 215-09-11, 215-18-17.  
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.  
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте [www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 14 май — сешанба кунини чиқарди.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 114 475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪЗМАЛАР ТАКРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИҒГА ҚАЙТИРИЛМАЙДИ. Реклама материаллари учун таҳририйат жавобгар эмас.

Газета таҳририйат компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — Ю. Бўронов. Мусоҳахчи — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 20.10 Тошширилди — 20.15 1 2 3 4 5